

Кўринди бу кеча гулда муножот,
Забони хол билан кечди мулокот.
Дедим: “Эй гул, нечун чехранг кизилдир?”
Деди: “Эй кул, юз изхори кўнгилдир”.
Дедим: “Недан ажаб нозикбадансан?”
Деди: “Дил нозик эрса, найласин тан?!”.
Дедим: “Жисмингда йўк гунчангдаги бўй?”
Деди: “Хулкинг огиздан кўрсатар бўй”.
Дедим: “Баргинг яшил эркан, гўзалдир”,
Деди: “Орзу-умидлардан масалдир”.
Дедим: “Сўлгин кўрингайсан хазонда?”
Деди: “Бу ерга ётмоқдан нишон-да”.
Дедим: “Хосилларингни не киларсан?”
Деди: “Сув ичган ўрнимга тўкарман”.
Дедим: “Узмиш гулингни бир неча ёш?”
Деди: “То лаб очилди, кетди бу бош!”
Дедим: “Борми сенинг бир богбонинг?”
Деди: “Жисминг турарми, йўкса жонинг?”
Дедим: “Булбул сенга ошик экан кўп?”
Деди: “Богбондир ишк ахлига махбуб”.
Дедим: “Хар япрогинг санъат нишони”,
Деди: “Хар бири богбон достони”.
Дедим: “Нега бокарсан кўкка доим?”
Деди: “Дил талпинар, айтиб “илохим”.
Дедим: “Канча куёшдан бахравар тан?”
Деди: “Хар канча унга юзланарман”.
Дедим: “Ёнингда бу ажрикка не бор?”
Деди: “Тушса назарлар, айлагай кор”.
Дедим: “Нега гўзаллик рамзи сенсан?”
Деди: “Доим табассум суннат эркан”.
Дедим: “Сен кўлма-кўл халк ичра доим”,
Деди: “Сен хам тиконсиз бўл, мулойим”.
Дедим: “Эл юзингга мафтун бўларлар?”
Деди: “Бадбўй эсам, ташлаб кетарлар”.
Дедим: “Эсса шабода тебранарсан?!”
Деди: “Гар тебранолмассан, синарсан!”
Дедим: “Ари асал олгай гулингдан”.
Деди: “Яхши, ёмон бори тилингдан”.
Дедим: “Хуснингга ошиклар саноксиз”,
Деди: “Ўткинчи хусн ишк(к)а яроксиз”.
Дедим: “Кумгок нега гул-гунча очмас?”
Деди: “Бебахра сув бирлан кўкармас”.
Дедим: “Меванг йўг-у, сен серхаридор?”
Деди: “Хушчехраликда яхшилик бор”.

Дедим: “Жисмингни юлганни нетарсан?”
Деди: “Илгин үпиб, атрим сепарман”.
Дедим: Недир хаётинг килди барбод?”
Деди: “Барвакт очилмок бўлди, хайхот!”
Дедим: “Кайдансан-у, сўнг кайга кетмок?”
Деди: “Туффрогдан-у, туфрокка кайтмок”.
Дедим: “Бу ўртада шаънингга не бор?”
Деди: “Гуллик вазифам килмок изхор”.
Дедим: “Умринг, валекин, унча эрмас”,
Деди: “Бир гул бўлишга етмоги бас”.
Дедим: “Энди қачон сен-ла кўришмок?”
Деди: “Сен-ла кўришмок ўрни учмок”.
Дедим: “Менга насихат айла бир дам”,
Деди: “Туффрогни ёд эт, ожиз одам!”
Дедим: “Менга васият кил, кадрдон”,
Деди: “Куллик вазифанг, хазрат инсон!”

Хусайнхон Яхё Абдулмажид
2010.08.15